

“Наврўз дехкон бозори” АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ
БАЁНИ

2025 йил 7 апрель

соат 11 -⁰⁰

Овоз берувчи акциялар сони: 7 150 000 дона эгасини номи ёзилган нақдсиз.

Акциядорларнинг 2024 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Гулсанам ва Буюк Ипак Йули кучалари кесишмаси манзилда жойлашган “Наврўз дехкон бозори” АЖ маъмурий биносида 2025 йил 7 апрель кuni ўтказилди. Йиғилишда 7 050 065 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами овоз берувчи акциядорларнинг 98,60 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Ш.Шомансуров - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим
Бошлиғи, Ишончнома асосида.

Т.К.Камолов - “Наврўз дехкон бозори” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси

О.С.Машарипов - “Наврўз дехкон бозори” АЖ директори .

Х.Ж.Олимов - “Наврўз дехкон бозори” АЖ бош бухгалтери.

Д.Шоназаров - “Наврўз дехкон бозори” АЖ қимматли қогозлар бўйича мутахассис.

Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жами 7 050 065 овозга эга акциядорлар қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун қворум 98,60 % ни ташкил этди.

Реестр бўйича акциядорлар сони 476 та. 7 150 000 овоз.

Йиғилишда раисликни кенгаш аъзоси Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун қворум 98,60 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга қотиб этиб, Д.Рахматова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек Т.К.Камолов Кузатув кенгаши томонидан Д.Шоназаров, С.Абдуҷамилова ва С.Бердиеваларни йиғилиш санок комиссияси номзодлигига таклиф этилганини билдириб, овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришилиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

2. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш;

3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш;

5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;

6. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;

7. Жамият директорини меҳнат шартномасини кўриб чиқиш;

8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;

9. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;

10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳақидаги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш;

Йиғилиш раиси кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 5 минут, колган масалаларга 3 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Мажлис раиси кун тартибидаги биринчи масала юзасидан сўзни жамият директори О.С.Машариповга берди.

О.С.Машарипов сўзга чиқиб, «Наврўз дехкон бозори» АЖ нинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум қилди:

«Наврўз дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2024 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2024 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг куйдаги жадвал бўйича амалга оширилди:

Шундан;

Даромадлар	режа	амалда	фарки
Жой ҳақи	4 797 036	4 932 177	+135 141
Хизмат ҳақи	2 464 489	2 466 105	+ 1 616
Автотухташ даромади	963 350	972 642	+ 9 292
Ижара ҳақи	5 374 026	5 483 882	+ 109 856
Инфратузилма	334 323	435 310	+ 100 987
Бошқа даромадлар	30 225	64 606	+ 34 381
Жами даромадлар	13 000 099	13 382 080	+ 381 981

Жамиятнинг 2024 йил давомида қабул қилинган соф фойда режаси 2 008 425 минг сўм, амалда 2 009 574 минг сўм этиб бажарилди.

• 2024 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори.

Жумладан

		режа	амалда	фарки
1.	Иш ҳақи	4 322 607	4 417 177	+ 94 570
2.	12% ижтимоий солиқ	518 713	529 445	+ 10 732
3.	Сув ва канализация	295 500	350 296	+ 54 796
4.	Электр қуввати	840 000	878 560	+ 38 500
5.	Асосий восита эскириши	825 000	727 695	- 97 305
6.	Муниципал медицина ходим	215 400	194 892	- 20 508
7.	Махсустрас	511 500	492 845	- 18 655
8.	Телефон телеграф	18 000	19 142	+ 1 142
9.	Банк фоиизи хизмати	18 480	8 513	- 9 967
10.	Бошқа харажатлар	480 000	566 897	+ 86 897
11.	Жами харажатлар	9 096 700	9 436 318	+ 339 618

Сабаб;

Иш хаки – 94 570 минг сўмга ошиши (иш ҳаққини кўтарилиши, меҳнат таътиллари ва ишдан бўшаганларга компенсация тўланиши ҳисобига)

12% тўловлар -10 732 минг сўмга ошиши (иш хақи ошиши ҳисобига)

Электр қуввати 38 500 минг сумга ошиши (хўдўдда қурилиш ишлари олиб борилгани, йиллар давомида ҳисобга келган қарзларни ёпилгани, электр бўйича текширувдаги ҳулоса ҳисобига)

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош ҳисобчиси Х.Олимов сўзга чиқди:

- Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни “ TEZKOR-MALAKA-NATIJA” А.Т томонидан 2024 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий ҳулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўз берди.

Жамиятни 2024 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

(«Наврўз дехқон бозори» АЖнинг 2024 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси насхаси илова қилинади)

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **туртинчи масала** юзасидан, жамият Кузатув кенгаши аъзоси Т.Камолов сўзга чиқиб, жамиятни 2024 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш ҳақида қуйидагиларни маълум қилди.

2024 йилда «Наврўз дехқон бозори» АЖ 2 009 574 минг сум соф фойда олган.

Соф фойда тақсимлаш таклифи:

2024 йилда олинган соф фойда - 2 009 574 минг сум

5 % жамиятнинг захира фондига – 100 478,7 минг сум, Дивиденд учун ажратма соф фойданинг 50 фоизи 1 004 787,0 минг сум ёки 7 150 000 дона акциянинг ҳар бирига 140,529 сўмдан дивиденд эълон қилиш, дивидендларни қонунда белгиланган тартибда (60 кун ичида) тарқатиш борасида акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради. (шу жумладан Тошкент шаҳар ҳокимлигига 96,23% - 966 913 912,8 сўм)

- 470 096,8 минг сум соф фойдани капитализация йўли билан жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтириш;

- Қолган 434 211,5 минг сумни жамият бошқаруви ва ходимларига йил якуни бўйича рағбатлантиришга (жамоа шартномасининг 5,8 бандига асосан).

Мажлис раиси кун тартибидаги **бешинчи масала** бўйича сўзни жамият директори О.Машарипов сўзга чиқиб, жамиятни 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»си билан таништирди сўнг жамият бош бухгалтери Х.Олимовга сўзга чиқиб жамиятнинг 2025 йил “Даромадлар ва харажатлар смета”си режаси билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол, жавоб ва таклифлардан сўнг акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибдаги **олтинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб,

Жамият акциядорлари сони беш юздан кам бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишligини, жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибдаги **еттинчи масала** жамият директори меҳнат шартномаси масаласи;

- 2023 йил 18 апрел куни ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори этиб Машарипов Одамбой Сапарматович сайлангани, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа ўртасида ҳурматга эга бўлди. Меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштирди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2024 йилда ижобий кўрсаткичларга эришгани;

- у билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси имзолангани ва меҳнат шартномасида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ўРҚ-760-сонли қонуни иноватга олиниб шартнома уч йил муддатга тузилиши, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган иштирокчи умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши кўрсатилгани;

- Жамият директори О.Машарипов 2024 йилда ижобий натижаларга эришганлиги, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолати яхши эканлиги, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берган ҳисоботларининг даврийлиги ижобий бўлганлиги ҳамда кузатув кенгаши томонидан унинг меҳнат шартномаси муддатини давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилганлиги таклифини киритди.

- Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибдаги **саккизинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “TEZKOR-MALAKA-NATIJA” А.Т томонидан текширилиб баҳоланганлиги, ҳулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда +156 “кониқарли” баҳо берилганлиги, фоиз шкала 13 % ташкил этганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича, жорий йилда фоиз шкаласини янада кўтариш чораларини кўрилиши жамият ижроия органи томонидан таъминланиши шарти билан қабул қилинишини таклиф этиб, акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибдаги **тўқизинчи масала** юзасидан сўзни қимматли қоғозлар мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича 3 та аудит корхоналардан таклифлар тушганлиги ва ушбу аудит корхоналари томонидан берилган бизнес таклифларнинг нархлари билан овоз бериш бюллетенларига киритилганлигини билдирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибдаги ўнинчи масала юзасидан сўзга, жамият кимматли қоғозлар мутахассиси Д.Шоназаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг айрим моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни ва Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Жамият Кузатув Кенгашининг янги таҳрирдаги низомини тасдиқланиши кераклигини билдирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибдаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.
(танаффусдан сўнг)

Кун тартибдаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси Д.Шоназаров ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёқлайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Ҳақиқий эмаслар		натижа
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%	
1	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
2	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
3	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
4	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
5	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
6. Масала Кузатув кенгаши аъзолигига												
6.1	А.АК.Раззаков	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
6.2	А.А.Акрамов	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
6.3	Қ.Р.Расулов	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
6.4	Т.С.Ибрагимов	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
6.5	Т.К.Камолов	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
7	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
8	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди
9.1	ООО «NAZORAT-AUDIT» МЧЖ 25 млн сум					0 овоз						Қабул қилинмади
9.2	«GREAT FOURS» МЧЖ 22 млн сум					0 овоз						Қабул қилинмади
9.3	«TEZKOR-MALAKA-NATIJA» МЧЖ 15 млн сум					7 050 065						Қабул қилинди
10	Масала	7 050 065	100	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	йук	Қабул қилинди

Мажлис кун тартибдаги масалалар атрофлича ўрганилиб

Қарор қабул қилади.

1. «Наврўз дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича

кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “TEZKOR-MALAKA-NATIJA” А.Тнинг ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

4. 2024 йил якуни бўйича «Навруз деҳқон бозори» АЖда олинган 2 009 574.0 минг сўмлик соф фойданинг-

5 % жамиятнинг захира фондига – 100 478,7 минг сум, Дивиденд учун ажратма соф фойданинг 50 фоизи 1 004 787,0 минг сум ёки 7 150 000 дон акциянинг ҳар бирига 140,529 сумдан дивиденд эълон қилиш, дивидендларни қонунда белгиланган тартибда (60 кун ичида) тарқатиш борасида акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради. (шу жумладан Тошкент шаҳар ҳокимлигига 96,23% - 966 913 912,8 сум)

- 470 096,8 минг сум капитализация йўли билан жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга;

- Қолган 434 211,5 минг сум жамият бошқаруви ва ходимларига йил якуни бўйича рағбатлантиришга (жамоа шартномасининг 5,8 бандига асосан).

5. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

6. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйдагилар сайлансин: А.А.Раззаков 7 050 065 - та овоз, А.А.Акрамов 7 050 065 - та овоз, К.Р.Расулов 7 050 065 - та овоз, Т.С.Ибрагимов 7 050 065 - та овоз, Т.К.Камолов 7 050 065 - та овоз.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори О.Маърипов билан меҳнат шартнома муддати 3 йилга тузилганлиги инобатга олинсин ва унинг 2024 йил фаолияти ижобий бўлганлиги сабабли меҳнат шартномасини муддати давом эттирилиши тасдиқлансин (ёқлаган 7050065– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи қўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

8. Жамият “TEZKOR-MALAKA-NATIJA” А.Т томонидан 2024 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси + 156 “қоникарли” баҳо, фоиз шкала 13 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган кўрсаткич натижаларини янада яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

9. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “TEZKOR-MALAKA-NATIJA” А.Т тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 15 000 000 (Ўн беш миллион) сўм миқдорида белгилансин. (ёқлаган 7 050 065 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).


10. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг айрим моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларни ва Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари

фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Жамият Кузатув Кенгашининг янги тахрирдаги низоми тасдиқлансин

11. Жамият бошқаруви мазкур қарор ижросини қонунда белгиланган тартиб ва вақтларда таъминласин.

Баённома имзоланган сана: «11» апрель 2025 йил

Мажлис раиси



Т.К.Камолов.

Мажлис котиби



Д.Рахматова